**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **“Келишилган”**<br>**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги** | **“Келишилган”**<br>**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги** | **“Тасдиқлайман”**<br>**Тошкент ахборот технологиялари университети ректори**<br>**Т.Тешабаев** |
| ______________________ | ______________________ | ______________________ |
| **“___”_________2018 й** | **“___”____________2018 й** | **“___”____________2018 й** |

# СУҲБАТ УЧУН МАГИСТРАТУРАГА КИРИШ СИНОВИ ДАСТУРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5А330301 | -Криптография ва криптоанализ (йўналишлари бўйича) | 5А350301 | -Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент |
| 5А330302 | -Ахборот хавфсизлиги (йўналишлари бўйича) | 5А350303 | -Рақамли иқтисодиёт |
| 5А330501 | -Компьютер инжиниринги: Компьютер тизимларини лойиҳалаш | 5А232801 | -Электрон тижорат |
| 5А330501 | -Компьютер инжиниринги: Амалий дастурий воситаларни лойиҳалаш | 5А350501 | -Почта хизматини ташкил этиш ва технологияси |
| 5А330501 | -Компьютер инжиниринги: Ахборот ва мультимедиа технологиялари | 5А350602 | -Электрон кутубхона ва архивлар |
| 5А330502 | -"Электрон ҳукумат" тизимини бошқариш | 5А350702 | -Антенналар ва ўта юқори частотали қурилмалар |
| 5А330601 | -Дастурий инжиниринг | 5А380801 | -Телевидения, радиоалоқа ва радиоэшиттириш қурилмалари ва тизимлари (турлари бўйича) |
| 5А350101 | -Телекоммуникация инжиниринги: Ахборот узатиш тизимлари | 5А350901 | -Мобил алоқа тизимлари |
| 5А350101 | -Телекоммуникация инжиниринги: Телекоммуникация тармоқлари | 5А351001 | -Аудиотехнологиялар |
| 5А350104 | -Телекоммуникация тизимлари ва тармоқларида ахборот хавфсизлиги | 5А351002 | -Видеотехнологиялар |

Мутахассисликлари учун

**Тошкент -2018**

**Университетда мавжуд барча магистратура мутахассисликлари учун суҳбат синов дастури ва баҳолаш мезони**

Тузувчи: Ш.Реджепов – ТАТУ Мониторинг ва ички назорат бўлими бошлиғи;
Тақризчи: Б.Усманов – ТАТУ илмий ишлар бўйича проректор.

**Кириш**

Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасидаги устувор йўналишлари, уларни амалга оширишнинг мақсад, вазифа ва йўллари; илмий ва илмий-техник фаолиятни рағбатлантириш тизими; фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари; инновацияларга нисбатан талабни оширишнинг ташкилий ва иқтисодий механизмлари, фундаментал ва ижтимоий фанлар, илмий ва амалий тадқиқотларнинг истиқболли тараққиётини таъминлаш; фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларини амалга оширишда илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият ҳамда уни бевосита ва билвосита рағбатлантириш механизмлари; юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тизими ҳақида билимга эгалиги.

**Асоий қисм**

**Илмий ва илмий-педагогик фаолият юритишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини эгаллаганлик:**

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 304-сон Қарори; Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасидаги устувор йўналишлари, уларни амалга оширишнинг мақсад, вазифа ва йўллари; илмий ва илмий-техник фаолиятни рағбатлантириш тизими; фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари; инновацияларга нисбатан талабни оширишнинг ташкилий ва иқтисодий механизмлари, фундаментал ва ижтимоий фанлар, илмий ва амалий тадқиқотларнинг истиқболли тараққиётини таъминлаш; фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларини амалга оширишда илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият ҳамда уни бевосита ва билвосита рағбатлантириш механизмлари; юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тизими ҳақида билимга эгалик.

**Маънавий-аҳлоқий сифатлар**:

миллий мустақиллик ғояси асослари; миллий ва умуминсоний, маънавий-аҳлоқий қадриятлар; юксак маънавиятли шахс сифатлари, аҳлоқий камолот; маънавий тамойиллар; ватанпарварлик ва фуқаролик онги; умумий маданият, илмий этика, ижтимоий фаоллик ҳақида билимга эгалик.

**Илмий-тадқиқотчиликка компетентлик:**

***Умумий тайёргарлик:***

фан соҳаси илмий асослари; илмий ва даврий нашрлардаги маълумотларни таҳлил қилиш ва улар билан ишлаш; раҳбар тавсияларига кўра илмий тадқиқот

йўналишини аниқлаш; тадқиқиқот йўналиши бўйича илмий ишлар (диссертациялар, рисолалар, илмий мақолалар) ҳақида тасаввурга эга бўлиш; халқаро грантлар, илмий лойиҳаларда ижрочи сифатида иштирок этиш; фан соҳасининг республика ва дунё миқёсида ривожланиш тенденциялари; тадқиқот натижаларини мақола, маъруза, рисола, патент, ва бошқа шаклларда апробациядан ўтказиш; тадқиқот юзасидан тажриба-синов ишларини амалга ошириш ҳамда унинг натижаларини қайта ишлаш, илмий ва илмий-техника соҳасидаги методологик асослар; илмий-техник маҳсулотга давлат буюртмаси, уни шакллантириш тартиби, бажарилиши, молиялаштирилиши, назорати ва якунланган ишларни қабул қилиш тартиби, натижалардан фойдаланиш; тегишли фан соҳаси тараққиёти йўналишлари, танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослай олиш, муаммонинг ўрганилганлиги ва тадқиқотнинг илмий аппаратини шакллантира олиш.

***Илмий-тадқиқот ишларини бажаришга тайёргарлик:***

фаннинг илмий асослари; илмий адабиёт турлари (монография, мақола, тезис, рисола, реферат ва бошқ.) ва уларнинг тузилмалари; адабиётларни танқидий ва аналитик таҳлил қилиш, уларнинг моҳиятини, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш; назарий изланишлар олиб бориш усуллари; моделлаштириш; параметрларнинг ўзаро боғланиш қонуниятларидан фойдаланиш; тажриба-синовларни ўтказиш усуллари; илмий билиш методлари; индукция, дедукция, аналогия; ихтирога, фойдали моделга, дастурий маҳсулотларга ҳужжатларни расмийлаштириш; соҳага оид илмий муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини ишлаб чиқиш; илмий тадқиқот бўйича иш режасини тузиш ва бажариш; фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар ва хўжалик шартномалари ҳамда улар бўйича лойиҳаларни расмийлаштириш тартиби; ИТИлари бўйича ҳисоботларга қўйилган талаблар; чет эл грантларини расмийлаштириш тартиби; индивидуал грантлар ҳақида билимга эгалик.

***Илмий атамалар, фан соҳасига оид категориал аппарат бўйича маълумотлар:***

ахборот, билим, илм тушунчалари; илмий даража ва унвонлар тавсифи; диссертация иши ва уни тайёрлаш босқичлари; тезис, реферат, аннотация, препринт ҳақидаги тушунчалар; илмий этика (илмий ҳалоллик) тамойиллари; илмий семинар, ихтисослашган кенгаш ҳақида билимга эгалик.

***Илмий фаолиятнинг ташкилий жиҳатлари, диссертация ишини бажариш ва ҳимоя қилиш тартиби:***

диссертация ишини бажариш тартиби; диссертация мавзусига қўйилган талаблар ва уни танлаш, мавзуни тасдиқлаш, назарий ва экспериментал тадқиқот методлари, таҳлил қилиш усуллари; амалий тадқиқот методлари; илмий-тадқиқот ишларида қўлланган амалий изланиш методлари ва таҳлил қилиш усуллари; илмий иш натижалари ишончлилигини аниқлаш усуллари; илмий янгиликни аниқлаш йўллари; илмий хулосаларни тайёрлаш тартиби, тузилиши; иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни аниқлаш тартиби; диссертациясига қўйилган талаблар; диссертация структурасининг тузилиши ва бўлимлари мазмуни; илмий-тадқиқот ишларидаги мақсад ҳамда вазифалар; диссертацияда илмий ишларни таҳлил қилиш шакли; илмий мақолаларни чоп этишга тайёрлаш тартиби; илмий

семинарларда, кафедра мажлисларида илмий мақолаларни муҳокама қилиш тартиби.

***Илмий тадқиқот ишларининг натижаларини амалиётда қўллаш:***

ишлаб чиқариш билан алоқалар, реал иқтисодий самарадорлик; ИТИлар натижаларини ишлаб чиқаришда қўллаш тартиби; ИТИлар натижаларини таълим жараёнида қўллаш тартиби; иқтисодий самарадорликни аниқлашга оид меъёрий ҳужжатлар; далолатномалар таркиби; кутилган ва ҳақиқий ижодий самарадорлик; ижтимоий самарани аниқлаш усуллари ҳақида билимга эгалик.

***Фан соҳаси илмий асосларини билиш:***

фан соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлар; дарс бераётган ўқув фанларининг илмий асослари таркиби; фан соҳаси мазмунини шакллантириш босқичлари; фан соҳасини ривожланиши билан боғлиқ омиллар; танланган илмий мавзу бўйича қўйилган илмий масала моҳияти, илмий мақсад ва олинадиган натижалар моҳияти; соҳа фани бўйича Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон миқёсидаги ривожланиш йўналишлари ҳақида билимга эгалик.

**Педагогик компетентлик:**

***Педагогик-психологик тайёргарлик:***

таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган ўқитиш шакллари, методлари ҳамда воситалари; талаба шахсини ўрганишнинг психодиагностик методлари; таълим мазмуни, методлари, воситалари ва шаклларининг узвийлигини таъминлаш; фанларни ўқитиш методикасининг асосий ғоялари; таълимда педагогик ва ахборот технологиялар; семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш, педагогик қобилият, педагогик-психологик тайёргарлиги, тарбия назарияси, метод ва усулларини эгаллаганлиги, кўп омилли фикр юрита олиш ва бошқаларга ўз фикри ва нуқтаи назарини илмий мунозара асосида тушунтира олиши; махсус ва профессионал, методик ва информацион лаёқат, тадқиқот олиб бориладиган фан соҳаси бўйича фундаментал ва амалий билимларга эгалиги; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда уларни илмий, илмий-техник фаолият ва таълим жараёнига жорий этиш йўналишлари ҳақида билим ва лаёқатга эгалик.

***Касбий маҳорат:***

машғулот олиб бориладиган фаннинг мақсади, вазифалари, предмети ва объекти; фанга қўйиладиган асосий талаблар; фанни ўзлаштиришга ажратилган умумий юклама ҳажми, унда назарий ва амалий машғулотлар, мустақил таълим салмоғи; фаннинг асосий методлари; машғулот олиб бориладиган фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига белгиланган талаблар; фаннинг ўқув режадаги фанлар билан ўзаро боғлиқлиги; фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва аҳамияти; фан тараққиётининг ахборот-коммуникация технологияларига боғлиқлиги; фойдаланиладиган асосий дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва электрон адабиётлар; фаннинг амалий, методологик аҳамияти; фаннинг асосий бўлимлари ва уларнинг мазмуни; фан бўйича касбий компетентликни аниқлаш усуллари; фан мазмунини ишлаб чиқишда ўқув режасидаги бошқа фанлар билан горизонтал ва вертикал узвийликнинг таъминланишини баҳолаш; фаннинг истиқболдаги тараққий этиши муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида билимга эгалик.

## Синов бахолаш мезони ва ўтказиш шакли

Магистратурага кирувчиларни илмий ва илмий-педагогик маҳоратини аниқлаш бўйича суҳбат оғзаки тарзда ўтказилади. Суҳбат ушбу фан дастури асосида олиб борилади. Ҳар бир магистратурага кирувчи номзод суҳбат натижасида **0 балдан 50 балгача** тўплаши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик фаолият юритишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини билиш даражаси **10 балгача** баҳоланади.

Магистратурага кирувчиларнинг маънавий-аҳлоқий сифатларга эгалиги **10 балгача** баҳоланади.

Номзоднинг илмий-тадқиқот ишларига компетентлиги **10 балгача** баҳоланади.

Педагогик фаолиятга компетентлиги **10 балгача** баҳоланади.

Бундан ташқари ОАК томонидан эътироф этилган журналларда илмий мақолаларининг чоп этилганлиги учун **10 балл** берилади.

## Фойдаланилган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

### Асосий адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: “Ўзбекистон”, 2003й.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Ўзбекистон”. 2000 й.
3. А.Эркаев. Маънавият-миллат нишони. Т.:, 1997й.
4. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари.Т.:, 1997й.
5. Қ.Назаров. Аксиолоя: қадриятлар фалсафаси. Т.:, 1998 й.
6. А.Алиев. Маънавият, қадрият ва бадият.Т.:, “Академия”. 2000 й.
7. М.Имомназаров, М.Эшмухамедова. Миллий маънавиятимиз асослари. Т.:, 2001й.
8. Т.Маҳмудов. Мустақиллик ва маънавият. Т.: “Шарқ” 2001й.
9. Маънавият юлдузлари. Т.: “Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти”, 2001й.
10. А.Қамар. Маънавият назарияси ва тарихи. Т.:, 2002й.
11. Б.Қосимов. Миллий уйғониш. Т., “Маънавият”, 2003й
12. А.Азизхонов, О.Мусаев, С.Орипходжаев, А.Набиев ва б. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” Т.; “ДИТАФ” 2001 й.
13. Адизова Т.М. Бошқарув мулоқоти психологияси. - Т. 2000 й.
14. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: 2003, ТДПУ, - 174 б.
15. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. –Т.: Фан, 2007. 143 б.
16. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 29 б.
17. http://www.ziyonet.uz/
18. http://www.pedagog.uz/
19. http://www.lex.uz/